

ЛУГАТЛАРДА ТАСНИФ ТАЛҚИНИ

Мадраҳимов Илҳомжон Собирович

Кўқон ДПИ доценти, филология фанлари номзоди.

Аннотация: Уибу мақолада таснифнинг фанга хос муҳим мантиқий амал эканлиги, унинг воситасида маълум фан доирасида тўпланган билимларнинг қатъий тартибга солиниши ҳақида, таснифнинг табиий тасниф ҳамда сунъий тасниф сингари турлари фарқланисиши, уларнинг лугатлардаги талқини хусусида атрофлича сўз юритилган.

Калим сўзлар: тасниф, илмий тасниф, табиий тасниф, сунъий тасниф, тавсифий тасниф, қомусий тасниф, мантиқ, эмпирик фактлар, қомусий лугат.

ТАСНИФ (араб. – саралаш, тартибга солиш), классификация – илм ёки инсон фаолиятининг бирор соҳасига оид ўзаро бир хил тушунчалар тизими. Тасниф – фанга хос муҳим мантиқий амал, унинг воситасида шу фан доирасида тўпланган билимлар катъий тартибга солинади. Тасниф фанни ўрганишда қулайлик туғдиради. Таснифда бўлинувчи ва бўлувчи тушунчалар ўзининг қатъий ўрнига эга. Тасниф натижасида фанда муҳим аҳамият касб этувчи жадвал, чизма, график ва кодекслар вужудга келади. Таснифларнинг турлари сифатида табиий ва сунъий таснифлар фарқланади¹.

Табиий тасниф обьектнинг муҳим белгисига асосланади. Масалан, кимёвий элементларнинг даврий системасини таснифнинг табиий турига киритиш мумкин). У илмий таснифнинг натижаси ва муҳим воситаси бўлиб, билиш жараёнида катта аҳамиятга эга².

Сунъий тасниф асосида обьектнинг номуҳим белгилари ётади, турли-туман предметларни тартибга солиш учун хизмат қилади. Масалан, кутубхонада китобларни алифбо тартиби бўйича жойлаштириш сунъий таснифга мисол бўлади³.

“Классификация” атамаси эса икки лотинча сўздан: “classis” (разряд) ва “facere” (қўймоқ) келиб чиқсан. Илмий адабиётларда бу атама икки маънода қўлланади: мавжуд классификация (тасниф)ни билдирувчи атама (1) ҳамда тасниф (классификация)ни амалга ошириш жараёнини атовчи сўз сифатида тушунилади. Мазкур атаманинг икки маънода қўлланиши бирор чалкашлини келтириб чиқармайди, доим бу атама маъноси контекстда тўғри англашилади, чунки нимани атаб келиши (мавжуд тасниф ёки янги таснифни ҳосил қилиш жараёни) яққол қўриниб туради. Атама бир маъноли бўлиши керак, деган қараш тарафдорлари ушбу атамани фақат биринчи маънода қўллаш тарафдоридирлар, иккинчи жараённи аташ учун классификация қилиш атамасини таклиф қиласилади⁴. Дж.Ст.Милль классификация атамасини кенг ва тор маънода тушунишни таклиф қиласади. Унинг фиқрича, нарсаларга умумий ном бериш, уларни аташ акти ҳам классификацияни ҳосил қиласади. Ҳар қандай ном предметда шу хусусиятга эгалик/эга эмасликни билдирап экан, шу ҳодисанинг ўзи ҳам классификация саналади. Милль шундай ёзади: “Бундай бўлениш нафақат ҳақиқатда мавжуд бўлган нарсалар, балки кейинроқ қашф этилиши ёки тасаввур қилиш мумкин бўлган барча нарсаларни таснифлашга ҳам тегишли бўлади” (“И такое деление будет делением не

¹ <https://qomus.info/encyclopedia/cat-t/tasnif-uz/>

² Кўрсатилган манба.


³ Кўрсатилган манба.

⁴ Субботин А.Л. Классификация. – М., 2001. – 94 с. – С. 7.

только действительно существующих или известных за существующих вещей, но и всех тех, которые могут быть открыты впоследствии или даже которые можно себе вообразить”⁵.

Қомус луғатида таснифда мантиқдаги бўлиш қоидаларига қатъий риоя қилиш лозимлиги таъкидланади. Таснифлашнинг хусусиятларини куйидагича тавсифлаш мумкин (Қаранг: 1-чизма):

1-чизма



Билимларнинг келиб чиқиши, илмлар тартиби, структураси ва ўзаро муносабатини ўрганишда фанлар таснифи муҳим аҳамиятга эга. Бу масала билан ўтмишда кўп олимлар, жумладан, Аристотель, Форобий, Ибн Сино, Ф.Бэкон, Декарт, Милль, Спенсер, Кантлар шуғулланган⁶.

Юқорида “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”да келтирилган тавсифдан маълум бўладики, тасниф алоҳида категория бўлиб, ижтимоий хаёт, фан, билим ва бошқа соҳаларда кенг қўлланувчи тушунчадир.

“Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”да *тасниф* тушунчаси/атамаси кўп маъноли тушунча сифатида кўринади. Юқорида келтирилган тавсифдан ташқари бошқа луғат мақоласида қуйидаги таъриф кўзга ташланади:

“ТАСНИФ – 1) Шашмақом чолғу бўлимида биринчи, моҳияти бўйича бош қисм. Таснифлар мақом номи билан кўшилиб, Таснифи Бузрук, Таснифи Рост, Таснифи Наво, Таснифи Дугоҳ, Таснифи Сегоҳ ва Таснифи Ироқ деб юритилади. Ушбу намуналарнинг аксарияти қадимий кўринишга эга доира усули жўрлигида янграйди. Таснифлар мақом ижроилигига етакчи чолғу бўлмиш танбур машқларидан келиб чиқкан. Ҳар бир таснифда муайян мақомнинг таянч пардалари негизида ўзига хос куй-оҳанглар баён этилади. «Хона» ва «бозгўй» куй тузилмаларининг навбатма-навбат алмашинуви натижасида таснифларнинг умумий шакли гавдаланади, ривожи жараёнида эса «пешрав» услуби етакчилик қиласи;

2)

⁵ Милль Д.С. Система логики силлогистической и индуктивной. – М., 1899. – С. 571.

⁶ <https://qomus.info/encyclopedia/cat-t/tasnif-uz/>; Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т ҳарфи. 154-6. // https://n.ziyouz.com/books/uzbekiston_milliy_ensiklopediyasi/O'zbekiston%20Milliy%20Ensiklopediyasi%20-%20T%20harfi.pdf

Эрон ва Озарбайжонда (тесниф) кичикроқ шаклдаги мақом шароняларига ўхшаш лирик ашуулалар⁷.

Маълум бўладики, тасниф сўзи кўп маъноли атама бўлиб, мусиқа санъати термини сифатида ҳам мавжуд.

Ўзбек тилининг изоҳли лугати⁸да эса *тасниф* лексемаси қуидагича изоҳланади:

ТАСНИФ [а. – танлаб олиш, турларга ажратиш] Нарса ва ҳодисаларни уларнинг ўзига хос белги, хусусиятларига қараб тур, туркум ва шу кабиларга ажратиш. Ўзбек тили шеваларининг *таснифи*. Ўзбекистон топонимларининг лексик-семантик *таснифидан* терминологик бир хиллик йўқ. «ЎТА».

Тасниф қилмоқ (ёки этмоқ) Маълум белги-хусусиятлари асосида тур, туркумларга ажратмоқ, тур, туркумларни белгиламоқ. *Имловий принциплар, уларни белгилаши ва тасниф қилиши юзасидан айтилган нуқтаи назарлар ўзаро турли тафовутларга эга*. Э.Бегматов, Ўзбек имлоси. Сўз санъати асарларини тур ва жсанрларга тасниф этиши тарихи жуда қадим замонлардан бошланади. «Адабиёт назарияси».

ТАСНИФЛАМОҚ Тасниф қилмоқ. *Туркий тилларни таснифламоқ*⁹.

Кўпинча ЎТИЛда сўзлар атама ва лексема сифатида изоҳланади. Аммо тасниф тушунчасига негадир қисқагина таъриф берилган. Қуида бошқа луғатларда келтирилган таърифлардан қўринадики, тасниф тушунчаси кенгроқ изоҳни талаб қиласди. Масалан, “Фалсафа луғати”да *тасниф* тушунчаси қуидагича таърифланади:

“ТАСНИФ (араб. саралаш, тартибга солиш) тушунчанинг мантикий ҳажмини бир неча босқичларга бўлиш ёки ягона бирликка бўйсунувчи тушунчалар мажмуаси. Илмий тасниф объектнинг тизимдаги ўрнини аниқлаш мақсадида обьект синфлари ўртасидаги қонуний алоқаларни қайд этади. Қатъий амалга оширилган тасниф билимнинг илгариги тараққиётига якун ясади, айни вақтда унинг тараққиётида янги тараққиёт босқичини белгилайди. Тасниф фаннинг эмпирик фактлар тўплашдан назарий синтез томон ривожланишига ёрдам беради. Илмий асосланган тасниф фаннинг ривожланиш даражасини кенг акс эттириш баробарида фактлар ҳамда қонуниятларга асосланган ҳолда илмий башорат қилишга ҳам имкон яратади. Асосларнинг кўламига қараб табиий ва сунъий таснифни ажратиш мумкин. Агар асос сифатида муҳим хусусиятлар олинса, бундай таснифлар табиий, аксинча бўлса, сунъий тасниф бўлади. Тасниф назариясига қадимги юонон файласуфи Аристотель, илк Уйғониш даври Шарқ мутафаккирлари – Ал-Киндий, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абу Райхон Берунийлар салмоқли ҳисса қўшдилар. Айниқса, буюк мутафаккир Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг “Мафотиҳ ал-улум” (“Илмлар қалити”) асари тасниф тушунчасининг ривожига ижобий таъсир кўрсатди¹⁰.

Бу луғатда келтирилган изоҳдан қўринадики, тасниф фалсафий категория сифатида ажратилади. Шунингдек, ЎТИЛ ва Фалсафа луғатида тасниф тушунчасига берилган таъриф жуда ўхшаш. Бу икки манбада таснифнинг араб тилидан олингани, саралаш, турларга ажратиш маъносини билдириши, табиий ва сунъий таснифларнинг мавжудлиги, тасниф назариясининг қадимги юононлардан келиб чиққанлиги ҳақидаги энциклопедик маълумотлар берилган.

⁷ Кўрсатилган манба.

⁸ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 5 жилдлик. 4-жилд. – Тошкент, ЎзМЭ, 2002-2006. – 628 б. – 402-б.

⁹ Кўрсатилган манба.

¹⁰ Фалсафа қомусий лугати. – Тошкент: “Шарқ” нашриётматбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2004. – 491 б. – 390-б.

Бошқа манбаларда ушбу тушунчага кенгрөк таъриф берилганини кўриш мумкин: “Классификация, шунингдек, классификациялаш (лотинча *classis* “разряд” ва *facere* “бажариш” сўзларидан келиб чиқсан) – фандаги (фалсафада, расмий мантиқда ва бошқаларда) тушунча ҳажмининг маълум бир нарсага кўра бўлиниш турини билдиради. Маълум бир жиҳат деганда, асос (атрибут, мезон), бунда умумий тушунчанинг (синф, тўплам) ҳажми турларга (кичик синф, кичик тўплам) бўлиниши назарада тутилади” (асл манба тилида: Классификация, также классификаирование (от лат. *classis* «разряд» и *facer* «делать») — понятие в науке (в философии, в формальной логике и др.), обозначающее разновидность деления объема понятия по определенному основанию (признаку, критерию), при котором объем родового понятия (класс, множество) делится на виды (подклассы, подмножества), а виды, в свою очередь делятся на подвиды и т. д.)¹¹.

Таснифлаш атамаси (рус. классификация) турли соҳа қомусий лугатларида ҳар хил фанлар нуктаи назаридан таърифланган. Куйида уларнинг ҳар бирига алоҳида тўхтalamиз.

Таснифлаш “объект, ҳодиса ва тушунчаларни умумий белгиларига қараб синфлар, бўлимлар, тоифалар бўйича тақсимлаш”dir¹².

Классификация (от лат. *classis* – разряд, класс) – умумий хусусиятлар ва улар ўртасидаги мунақказам муносабатларни ҳисобга олиш асосида тузилган ҳар қандай билим соҳасидаги бўйсунувчи тушунчалар тизими¹³.

Таснифлаш белгиланган бўлиниш белгилари тизими ва маълум қоидалар тўпламидан фойдаланиш асосида объектларнинг маълум бир тўпламини гурух(синф, бўлим, тоифа)ларга тартибли бўлишдир¹⁴.

Тасниф бу тушунчалар ёки обьектлар синфлари ўртасидаги алоқаларни кўрсатиш учун восита сифатида ишлатиладиган билим/инсон фаолиятининг ҳар қандай соҳасининг бўйсунувчи тушунча (синф, обьект)лари тизимиdir. Илмий тасниф унда акс эттирилган воқелик соҳасига хос қонунлар тизимини ифодалайди¹⁵.

Касбий-педагогик луғатда тасниф тушунчасига янада кенгрөк изоҳни кузатиш мумкин:

ТАСНИФ обьектлар тўпламини маълум белги(лар) асосида кичик гурухларга ажратишидир. Илмий таснифда обьектнинг хоссалари унинг маълум бир тизимдаги ўрни билан функционал муносабатд бўлади. Таснифларнинг сунъий ва табиий тасниф каби турлари мавжуд: табиий таснифда обьектнинг муҳим белгиларининг максимал сони унинг ўрни билан белгиланади. Фаннинг ривожланиши тавсифий таснифлашдан таркибий таснифларга (таснифланаётган обьектларнинг моҳиятини очиш имконини берувчи) ўтиш билан боғлиқ. Таснифлаш муаммолари илмий билимларнинг кўплаб соҳаларида, жумладан, педагогика фанида ҳам жадал ўрганилмоқда¹⁶.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, таснифлашда ички/куйи гурухларга бўлиниш узлуксиз бўлиши лозимлигини таъкидлашади, яъни энг яқин кичик гурухни танлаш, у билан бевосита боғлиқ бўлмаган кичик синфга ўтмаслик талаб қилинади. Масалан, физика, кимё,

¹¹<https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%9A%D0%BB%D0%B0%D1%81%D1%81%D0%B8%D1%84%D0%B8%D0%A%D0%B0%D1%86%D0%B8%D1%8F#%D0%9E%D0%BF%D0%B8%D1%81%D0%B0%D0%BD%D0%B8%D0%B5>

¹² <https://didacts.ru/termin/klassifikacija.html>

¹³ Педагогический тезаурус. Под ред. Тютькова И.А. – 2016 г.

¹⁴ Современный образовательный процесс: основные понятия и термины: [краткий терминологический словарь] / М-во образования Российской Федерации, Нижнетагильская гос. социально-пед. акад., [Олешиков М. Ю., Уваров В. М.]. – Москва: Компания Спутник+, 2006. – 189 с.

¹⁵ Шашенкова Е.А. Исследовательская деятельность. Словарь. – М.: Перспектива, 2010. – 88 с.

¹⁶ Профессионально-педагогические понятия. Словарь. Под ред. Г.М.Романцева. – М., 2005.

биология, экология бўйича лаборатория машғулотларини бир хил лаборатория машғулотлари деб таснифлаш мумкин, лекин кимё, биология, экология ва электродинамика (физика бўлими) деб таснифлай олмаймиз, чунки электродинамика мазкур тизимдаги фанлардан бири – физиканинг таркибий қисми саналади. Иккинчи – хато таснифда бевосита кичик синфдан (физика) билвосита кичик синфга – физика бўлимига “ўтиб кетиш” ҳолати юз берди. Яна шуни айтиш лозимки, бир хил ҳодиса/жараёнларга турли асос-белгиларга кўра турли таснифлар қўлланилиши мумкин¹⁷.

Таснифлаш фанда (айниқса, табиий фанларда) ҳам, амалиётда ҳам кенг қўлланилади; илмий таснифлар анча барқарор, шунинг учун улар узоқ вакт сақланиб қолади. Масалан, Д.И.Менделеев яратган кимёвий элементлар таснифи ҳозирги кунгача тўлдирилиб келинмоқда. Таснифлашда маълум бир тасниф обьектини гурухларга ажратиш учун асосни (мезон, хусусият) танлаш муҳим аҳамиятга эга. Тўрғри, мантиқли асосда тузилган тасниф табиий, асоссиз тузилган тасниф сунъий (ёки ёрдамчи) тасниф деб аталади¹⁸. Таснифлашда эътибор талаб этиладиган жиҳатлардан бири бу ўтиш шакли хисобланади. Масалан, инсон ва фуқаронинг ҳуқук, эркинликларини таснифлашда сўз эркинлигини табиий ҳуқуқларга ҳам, сиёсий ҳуқукларга ҳам киритиш мумкин. Қамровига кўра, таснифлар қомусий (универсал) ва маҳсус турларга ажратилади.



¹⁷ <https://didacts.ru/termin/klassifikacija.html>

¹⁸ <https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%9A%D0%BB%D0%B0%D1%81%D1%81%D0%B8%D1%84%D0%B8%D0%A1%D0%B0%D1%86%D0%B8%D1%8F#%D0%9E%D0%BF%D0%B8%D1%81%D0%B0%D0%BD%D0%BD%D0%8B%D0%B5>